

Махмуд Кошгарий Марказий Осиёда илк Ўрта аср маданиятининг буюк арбобларидан бўлиб, тилшунослик соҳасида, хусусан, туркий тилларни ўрганиш соҳасида машхур бўлди ва тарихда ўчмас из қолдирди.

Махмуднинг отасини исми Хусайн, бобоси Мухаммад бўлиб, келиб чиқишига ва тилига кўра Кошгарий нисбатини олган. У XI асрда тугилиб, яшаб ижод этди. Бу даврда Мовароуннахрда Сомонийлар ўрнини қорахонийлар сулоласи эгаллаган, туркий адабий тил минтақада кенг урф бўла бошлаган эди. Хатто Аббосийлар халифалиги марказларида, азалдан араб ва бошқа сомоний халқлар яшаб келган ўлкаларда туркий элатлар намоёндалари кўпайиб, туркий тилга эътибор ошган эди. Махмуд Кошгарий ҳам ўзининг узок йиллар давомида бунёд этган «Девону лугатит турк» китобини хижрий 469 (1074/75) йилда тугаллаб, аббосий халифалар авлодидан бўлган баланд мавқели (Абулқосим Абдуллох бинни Мухаммад ал-Муктадога бағишлаган, Асарнинг асосий матни ўша даврда кенг минтақа мусулмон Шаркида, бутун Яқин ва Ўрта Шарқда дин, фан тилига айланган араб тилида ёзилган бўлиб, туркий тилнинг бойлигини, мазмундор ва ранг-баранглигини тушунтириш учун ёзилган, деб тахмин қилиш мумкин.

Махмуд Кошгарий Баласоғунда тугилиб, шу ерда йигитлик чоғларини кечирган бўлса ҳам, узок йиллар «Юқори Чиндан бошлаб бутун Мовароуннахр, Хоразм, Фарғона, Бухоро, ҳозирги Шимолий Афғонистонга қадар чўзилган» туркий ўлкаларни, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кезиб чиқди, турли шева ва лаҳжа хусусиятларини ўрганди, уларни адабий тил билан чоғиштирди, ўз иши учун ниҳоятда бой материал тўплади. Лугат тузишда араб тилшунослари яратган аъъанадан унумли фойдаланган ҳолда, ишга ижодий ёндашди, туркий тил қонуниятларини биринчи навбатда инобатга олиб китобига тартиб берди. Кошгарий асари, ўзи таъқидлашича, «олдин ҳеч қим тузмаган ва ҳеч қимга маълум бўлмаган алоҳида бир тартибда» тузилган. Унда кўп шевашуносликка оид қиёсий қоидалар, грамматик, морфологик, лексик, семантик аломатлар кўрсатилган. Асар фойдаланувчиларга осонлик тугдириш учун содда ва лўнда ёзилган. Унда қадим турк алифбоси, фонетик қонуниятлар, орфоэпик ва орфографик қоидалар пухта тушунтириб берилган. Лугатда туркий сўз тузилиши аъъаналари, жумладан, сўз тартиби, феъл шакллари, сўз этимологиясига оид фикрлар баён этилган. Муаллиф кўрсатишича, китоб 8 бўлимдан, муқаддима ва ҳулосадан иборат. Хар бир бўлимда от-исм сўзлар, феъллар қулайлик учун алоҳида ажратиб берилган. «Девон»да 7500 дан ошқ туркий сўз ва иборалар изоҳланган. «Девону лугатит турк» ҳам адабий тил, ҳам асосий туркий шеваларни қамраб олган бўлиб, ундаги адабий тил, шева унсурлари нисбати ўртача адабий тилдаги 10—12 сўзга, шевага оид бир сўзга тўғри келади, яъни умумтуркий адабий тилга айрича аҳамият ажратилган. Бу ҳолат ўша давр ислом минтақасида туркий адабий тил қанча кенг тарқалгани ва мустақам мавқега эга бўлганини тасдиқловчи қатъий да-лилдир. Лугатда юзлаб қиши исмлари, шаҳар ва қишлоқ, ўлка номлари, даре, тоғ, яйлов, водий, дара, йўл, довол, қўл, сой қаби жўғрофий атамалар, турли қабила, уруг, элат, сайёра, юлдузлар, фасллар тилга олинади. Унда изоҳланган грамматик кўрсаткичлар морфемалар ҳисоби ҳам мингга яқин.

Туркий халқлар тарихига оид қадимий афсона ва ривоятлар, 300 га яқин мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар, 700 сатрдан ошқ шеърӣ парчалар ушбу асар саҳифаларидан ўрин олган. Шеърӣ парчаларнинг кўп қисми туркий халқлар оғзақи

ижодига хос тўртликлардан иборат. Аммо «Девон»да келтирилган шеърий сатрлардан 150 сатрга яқини ислом даври шеъриятига хос бўлган «байт» типига маснавий, касида, газал, китъа парчалари бўлиб, уларни Кошгарий ўзи ҳам кўпинча «байт» деб атайди. Китобда 7 та эпик достон, ишқий кўшиқлар, пандномалар, коинот яратилишига оид асотир, шеър-ар, табиат манзаралари тасвири, мадхиялар, фалсафий мушоҳадалар учрайди. Кошгарий девонида келтирилган VIII—XI асрларга оид туркий шеърият намуналарида у ёки бу даражада аруз вазнига ўтиш мойиллиги сезилади. Арузнинг ражаз, рамал, мунсарих, хажаз, басит, кариб, мутакариб вазнлари туркий шеърият намуналарида ишлатилган бўлиб, айникса ражаз бахридан кенг фойдаланилган (44 парча). Бундай шеърларни муаллиф ўзи алоҳида уржузалар деб номлайди. Улар туркий халк шеъриятида кенг тарқалган бўлиб, бу бахр оханги туркий шеърият табиатига мое келишидан бўлса керак.

«Девон»даги эпик достон-кўшиқлар кўпроқ жангнома характерида бўлиб, баъзи йирик парчаларга шартли равишда «Тангутлар билан жангнома», «Ўйгурлар билан жангнома», «Ябаку билан жангнома» деб ном қўйилган. Улар ўз мазмунига кўра арабларнинг жохилия давридаги кабилалараро жанглари тасвирланган эпик ривоятларига ўхшаб кетади, факат арабларда бу жанр насрий, туркий халкларда эса шеърий шакл устундир. Уларда туркий элатларнинг шижоати, кийинчиликларга бардоши, жасурлиги, харбий хийлалар, сиёсий кураш, элпарварлик, мардлик, хикмат, меҳр ва каҳр туйғулари жонли, чакнок мисраларда тавсиф этилган. Шу билан бирга кабилавий бошбошдоклик, ўзаро низо-адоватлардан ўкиниш, бирлашишга, иттифокка интилиш майллари ҳам сезилиб туради. Буюк турк хоконлигининг тушкунлик холати, ягона бирлаштирувчи гоёнинг етмаслиги ушбу кўшиқлар кўпроқ исломдан илгариги огзаки шеърият намуналари эканидан дарак беради. Қадимги эпик кўшиқлардан «Девон»да сақланган икки йирик асар кўпчиликнинг диккатини тортиб келади. Булардан бири «Али Эр Тунга марсияси» ва иккинчиси — «киш ва ёз» мунозарасидир. Марсия 44 сатрдан иборат. Унда маълум маънода туркий эл ўзининг севимли кахрамо-ни, хокони ва йўлбошчисигагина эмас, бой берилган имкониятлари, парчаланган элати, тушкунликка юз тутган туркий империядаги маънавий йўлсизлик холатига ҳам кўз ёш тўкади, мотам килади. Бу кўшиқ халк огзаки ижодидаги «йиги» жанрининг адабийлашган намунаси деса бўлади. «Киш ва ёз» мунозараси туркий мунозара жанрининг бизгача етиб келган биринчи ёркин намунаси бўлиб, унда туркий элатларнинг бутун табиати, яшаш, тафаккур тарзи, севинчлари, кайгулари батафсил акс этган. Айникса, табиатга меҳр гўзал ифода топган. Асар мажозий тасвирлар, ташбеҳлар, истиоралар, жонлантириш ва енгил кинояларга бой. Уни ўқиганда чорвадор туркий элатлар хаёти, фаолияти, табиий мухит кўз олдингизда яккол гавдаланади:

Алин топу йашарди
Урут ўтин йаширди,
Кўлнинг сувин кушарди,
Сигир бува мунграшур.

Мазмуни:

Тог бошлари яшарди,

Куруг ўтти яширди,
Кўл сувлари тошурди,
Сигир, бука маърашур.

Бу бахор тасвири. Киш тасвири аксинча:

Келди асин аснайу,
Козка тўпал уснайу.
Кирди будун куснайу,
кара булит кўкрашур.

Мазмуни:

Келди шамол хувиллаб,
Бўрон бўлиб гувиллаб,
Халк титрашур увиллаб,
Кора булут гулдирар.

Бу манзаралар чорвадорлар ҳаёти учун исломдан олдинги даврда ҳам, кейинчалик ҳам характерли эди. Бу жанрда жангнома ва марсиялар сингари драматизм руҳи жуда кучли. Шу билан бирга романтик сурур ҳам мавжуд.

Девонда ислом давр шеърляти асосан ишкий, фалсафий-дидактик, мадҳиявий касида ва шеър намуналари билан намоён бўлган. Унда ҳам мазмун, ҳам шаклига кўра Ахмад Югнакий достонига асос бўлган тўртдикларни эслатувчи «ааба» кофияли ўн бир хижоли парчалар учрайди:

Йага эрур йўлигукин нанги тавар,
Билиг эри йигисин нелик севар,
Тавар йиғиб сув акин инди сакин,
Кўрум каби изисин кўди сувар.

Мазмуни:

Душман эрур инсонга молу товар,
Олим одам ёвини кандай севар,
Мол йиғишни сел келиш деб
Мол эгасини тош каби юмалатар.

«Девон»даги биргина мадҳиявий касидадан парча аёл кишига — маликага бағишланган. У ташаккурнома йўсинда ёзилган бўлиб, аруз вазнининг «мунсари» баҳрига тўғри келади. Фалсафий-дидактик касида ва маснавийлар панднома йўсинида бўлиб, туркий элатлар маънавиятига хос бўлган бундай йўналиш «Девон»да кўпроқ акс этган. Уларда илм ўрганиш ташвиқ этилади, жаҳолат, кибру ҳаво кораланади, саховат ва ҳиммат, меҳмондўстлик улугланади, мол-дунёга хирс кўйиш, бахиллик ва очкўзлик фош қилинади, ота-онани хур-матлаш, уларнинг сўзига кулок осишга даъват этилади. «Девон»да мардликни улуглаш, хушёрликка, душмандан эҳтиёт бўлишга чакирувчи байтлар ҳам панд-насихат каторида учрайди:

Билга эран савларин алгил ўгут,
Эзгу сави эзласа ўзга сингар.

Ардаги тила ўрганинг, бўлма куваз,
Ардашсизин - ўгунса ангма ангар.

Мазмуни:

Олим киши сўзидан олгил ўгит,
Эзгу сўзни эшитсанг дилга сингар.
Илм-хикмат ўргангин, бўлма кайсар,
Химмати йўк мактанчок йўл йўкотар.
Бу илм-хунарга ташвик, олимга хурмах хакида бўлса, куйидаги байт меҳмондўстлик хусусида:
Келса кали йаглиг бўлиб йўнчиг ума,
Келур аниг бўлмиш аниг тутма ума.

Мазмуни.

Келса агар хонанг узра гариб меҳмон,
Бор нарсангни олдига кўй, бўл меҳрибон.
«Девону лугатит туриада келтирилган касида ва катралар мазмун жихатдан ўша даврнинг туркийзабон шоири Юсуф Хос Хожиб достони мавзулари билан жуда уйғундир. Шу жихатдан ҳам ундаги парчаларни Ахмад Югнакийнинг «Хибат ул-хакойик»ига ва Юсуф Хос Хожибнинг «кутадгу билиг» асари орасидаги давр шеъриятига мансуб эканлигини тан олиш мумкин. Хатто дунёнинг ўткинчи ва бевафолиги, инсон такдирининг ўзгарувчанлиги хакидаги мисралар ҳам бу тасаввурни таъкидлаб туради:

Кўзум йаши саврукуб кузи акар,
илниб ажун эмгагин тугал укар,
Эмгаксизми тургу йўк мунда таму,
Эзгулугуг кўрмазиб ажун чикар,
Ажун кунни йўлдузи тутчи тугар.

Мазмуни:

Кўзим ёши тиркираб куйи окар,
Англаб дунё гамини тугал укар,
Машаккатсиз хаёт бунда асло,
Эзгуликни кўрмасдан улур битар,
Тугилган зот дунёда мангу порлар.
«Девон»да, оз бўлса-да, дунёнинг яратилишига оид, яъни космологик мавзудаги сатрлар ҳам учрайди:
Тангри ажун тўрутти,
Чигри узу тазгинур,
Йулдузлари чаргашиб,
Тун-кун уза йурганур.
Йаратти йашил чаш,
Савурди урунг каш,
Тизилди каракуш,
Тун-кун уза йурганур.

Мазмуни:

Тангри олам яратги,
Фалак доим айланур,
Юлдузлари сафлашиб,
Тун-кун узра бурканур.
Яратти яшил осмон,
Юлдузлар йўли самой,
Коракуш юлдуз-мезон,
Тун-кун узра бурканур.

«Девон»даги шеърларнинг бадиий савияси юкори эканлиги, уларни яратган шоирларнинг жуда маълумотли бўлгани, нафис ва чуқур бадиий дидга эга эканлиги олимлар томонидан таъкидланади.

Махмуд Кошгарий асарида дунё харитаси дойра шаклида чизиб кўрсатилган. Унинг марказида Марказий Осиё жойлашган. Баласогун, Шош, Ўзган, Исфижоб, Маргинон каби шаҳарлар ушбу худудга алоқадор кўрсатилган. XI аср жугрофий тасаввурларидан дарак берувчи хаританинг илова қилиниши Кошгарийнинг комусий аллома эканини яна бир марта исбот этади.

Хулоса қилиб айтганда, Махмуд Кошгарийнинг исломдан илгариги ва илк ислом даври туркий маданият обидаларини тадқиқ этиш, тўплаш ва авлодларга етказиб беришдаги хизматлари ниҳоятда ул-қандир. Унинг тарих, этнография, тарих-жўрофия хусусидаги кенг билим доираси, тил ва адабиёт соҳасидаги комусий салоҳияти, тадқиқ қудрати бугунги кунда ҳам хайратланарли даражада эди. Унинг китобида жамланган аниқ-равшан маълумотлар VIII—XI асрлар ҳам туркий адабий тил ва бадиий адабиётнинг, ҳам оғзаки халқ ижоди ва турли лаҳжаларнинг бой манбаи бўлгани сабабли имкон доираси-да батафсил тавсиф этилди.

«Девону лугатит турк»ни ўша даврларда Марказий Осиё минтақасида яшаган туркий халқлар ҳаёти ҳақидаги комусий асар деб аташ мумкин. Бу асар устида тадқиқотлар олиб борган Фитрат, С. Муталлибов, И. В. Стеблева, В. В. Решетов, Ғ. Абдурахмонов, А. Рустамов каби олимлар Махмуд Кошгарийни қадимги туркий тилларни ўрганишга буюк ҳисса қўшган ўз даврининг ўта билимдон олими эканлигини таъкидлайдилар. «Девону лугатит турк» 3 томда, ўзбек тилида нашр этилган. Ҳозирги замон жаҳон илмий жамоатчилиги XI аср буюк олими Махмуд Кошгарийни қиёсий тилшуносликнинг асосчиси, деб тан олади.

М. Имомназаров.